

Umadan umagacha

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган БМТ Бош котибининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ёрдамчиси Иван Симонович раҳбарлигидаги делегация аъзолари 28 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди. БМТ Бош котибининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ёрдамчиси раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) идорасида, Конституциявий судда ҳам музокара-лар ўтказди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Олий суди райси Янг Син Тэ раҳбарлигидаги делегация аъзолари 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди райси Бўритош Мустафоев билан учрашди. Шу куни Корея Республикаси Олий суди райси раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида ҳам музокара-лар ўтказди. Корея Республикаси Олий суди делегацияси Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнаомлигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2012 йил ва 2013 йилнинг биринчи чорагида мева-сабзавот ва узум етштириш, интенсив боғлар ва тоқзорлар яратиш, бу йўналишдаги провоз кўрсаткичларни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда Иқтисодий вазириликлар раҳбарларининг ахбороти тингланди.

Анджон вилояти Пахтабод туманида Обод турмуш йилига бағишланган "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остида дўстлик фестивали ҳамда "Обод турмуш шақлланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Анжуман доирасида туман марказидаги маданият ва истироҳат боғида турли миллат вакилларининг Ватанимиз тараққиётига қўшаётган хиссаси акс этган тасвирий санъат асарлари, улар томонидан тайёрланган миллий таомлар, либослар, хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари намойиш этилди.

Самарқандда Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбир ёш авлод қалбида она-юртимизга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлаш, Ватан равнақи йўлида хизмат қиладиган фидойи ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Ҳадемай Бухорода республикамиз талаба ёшларининг "Универсиада-2013" спорт мусобақалари финал босқичига старт берилади. Ушбу нуфузли анжуманга тайёргарлик доирасида амалга оширилган кенг кўламдаги ободончилик, кўкаламзорлаштириш ва бошқа бир қатор бунёдкорлик ишларида, ҳеч шубҳасиз, вилоят алоқачиларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси меҳнат жамоасининг бу борадаги ғайрат-шижоати, айниқса, эътиборга молик. Аҳил жамоа вилоят марказидаги И.Мўминово номидаги кўчани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, кўплаб гул ниҳоллари ўтказиш билан бирга, "Универсиада-2013" дастуридаги бир қатор спорт мусобақалари бўлиб ўтадиган иншоот-

Бухоро Универсиадага Чорламоқда

лар, спорт мажмуалари ва залларини телефонлаштириш, замонавий алоқа воситалари билан таъминлаш ишларини ҳам ўз вақтида бажаришга эришди. Жумладан, Бухоро Давлат университетининг янги қурилган ва қурилиши якунланган спорт заллари, 1, 2, 3 ва 4-талабалар тураржойлари, 750 ва 450 ўринли иккита ошхона алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланди. Шунингдек, универсиада мусобақалари ўтказиладиган Бухоро муҳандислик-технология институтини, нефт ва газ касб-хунар коллежи, Олимпия захиралари коллежидаги бир қатор объектларда ҳам замонавий алоқа воситалари ўрнатилди. Бундан ташқари, "Дилқушо", "Хумо" теннис мажмуалари,

"Универсиада-2013"нинг очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтадиган "Бухоро" спорт мажмуаси, шунингдек, "Семурғ" спорт мажмуаси сингари жойлар тўлиқ телефонлаштирилиб, мусобақа иштирокчилари учун қулай имкониятлар яратилди.

Вилоят матбуот хизмати марказида юқори тезликда ишловчи интернет фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳам, ҳеч шубҳасиз, мусобақалар бориши тўғрисидаги энг сўнгги маълумотларни ОАВ ходимлари томонидан жойларга тезкорлик билан етказилишини таъминлаши турган гап.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

SO'Z — MUKOFOTLANGANLARGA

Камолотга етказган касбим

Муҳаббатхон МЕЛИКЎЗИЕВА,
Данғара ПАТ сараловчиси:

— Ақлимни танибманки, сараловчиман. Меҳнат дафтарчамда фақат битта ёзув бор: Данғара почта алоқаси тармоғи. Сараловчи. Умрим давомида уйни билдим — ишхонани билдим. "Таҳаллусингиз "Уй-ишхона. Ишхона-уй", дейишди ҳамкасбларимиз. Бу касбини ва оиласини жондан севганлар учун жуда ёқимли ҳазил. Раҳбарларимиз эса сиз сараловчи бўлиб туғилгансиз, дейишди бир ярим соатлик ишни бир соатга қолдирмай уйдalasам. Бўлмасам-чи, бошқа касбда қандай билмадим, бизда ҳар сониянинг ҳам ҳисоби бор. Кечиктирилмайди. Тезкорлик ва оиласини кўриб чиқаман деган хоҳишимни ўзи менга хушнудлик бағишлайди! Шу учун ҳам ҳурматимни жойига қўядиган эътирофларни — сувдай, ҳаводай зарур ширин сўзларни эшитганда яйраб-қувнаб кетаман. Энди "Ўз касбининг устаси" дея тан олиншимнинг менга қанчалар фахр-ғурур эканлигини тасаввур этаверинг.

Ҳаётимда энг бахтли кунлар кўп бўлган. Тўрт нафар фарзандларимиз дунёга келганида, икки нафар келин-кизи бўлганимизда, тўрт нафар невараларимиз туғилганида ўзимни энг бахтиёр инсон ҳис этганман. Баҳорнинг илк куни биринчи март — иш бўлган куним ҳам энг бахтиёр кунларимдан биридир. Бу кун худди туғилган кунимдек ардоқли. Шу касбим туфайли жамиятда ўз ўрнимга эга бўлдим. Ризқ-рўз йўли бўлиб болаларни катта қилдик. Ҳамма-ҳаммаси учун минг қатла шукронан неъматдаман. Шундай шукухли кунларим қаторига яна бир кун — 7 май — Алоқачилар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг буйруғига қўра соҳанинг юқори даражада юксалиши ҳамда равнақи йўлида фаолият юритаётган, шунингдек, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ўзларининг салмоқли ҳиссасини қўшганлар қаторида "Ўз касбининг устаси" белгиси билан мукофотланганимдан беҳад хурсандман. Бу юксак мукофотни нафақат менинг, балки тармоғимиз, филиалимиз жамоаси раҳбарлари, илгчи-ҳодим ва мутахассислари меҳнатига берилган мукофот деб биламан.

Салкам 35 йиллик меҳнатларим туфайли кадр топганим учун қўмитамиз ва филиалимиз раҳбариятига миннатдорлик изҳор этганман. Барчага мен каби иззат-икром билан фахрийлик ёшига етиш насиб этишини тилаб қоламан.

Ҳафиза САЛЯХОВА ёзиб олди

UCHRASHUV

Ўқувчилар фидо муҳим

Республикамизнинг турли ҳудудларида бўлиб, харидорлар, яъни "Матбуот" дўконларида сотилаётган оммавий ахборот нашрлари ўқувчилари билан мулоқотда бўлиш, савдо ишларини ташкиллаштиришда улар фикрини эътиборга олиш "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясида анъанавий айланган. Компания директори ва ўринбосарлари махсус тузилган режа асосида жойларда бўлишиб, ана шундай учрашувларда иштирок этмоқдалар.

Хусусан, компания бош директори ўринбосари Бахтиёр Қубеев яқинда Самарқанд вилоятида бўлиб қайтди.

— Вилоятимизда истикомат қилувчи газетхонлар билан биргаликда жуда кизикарли бўлди, — дейди Самарқанд вилояти "Матбуот уюшмаси" МЧЖ директори Зарема Цицерман. — Мазкур учрашувда улар сотувни ташкил этиш бўйича фикр-мулоҳазаларини баён этиш билан биргаликда ўзларини кизиктирган қўпгина саволларга ҳам жавоблар олишди. Шунингдек, уюшмамиз ходимлари алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кейинги пайтларда қабул қилинган қўплаб қарорларнинг моҳиятини тушуниб олдилар.

Ўз мухбиримиз

Чет тиллари сабоқлари

Ўзбек адабиётининг атоқли намоёниси Аваз Ўтар "Тил" газалида дунёдаги ҳар бир инсоннинг, ҳатто ўзга халқлар, эллар қалбига тил орқали йўл топиш мумкинлигини жўшиб тараннум этган эди. Юртбошимиз томонидан 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ушбу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришга ундади.



Зарафшон компютер технологиялари коллежиди бу қарор хурсандчилик билан қабул қилинди. Коллежнинг раҳбар, педагог, ишчи-ҳодимлари инглиз тили сабоқларига жалб этилди. "Тиллар" кафедраси томонидан инглиз тилини коллеж миқёсида ўрганиш чора-тадбирлари режаси тузиб чиқилди ва ўрганивчилар тилини эгаллаганлик даражасига кўра гуруҳларга ажратилди.

Бундан ташқари, коллежда Навоий вилоятининг Томди, Учқудук ва Зарафшон шаҳридаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари "Чет тили дарсларида ўқувчиларни касбга йўналтириш" мавзусида вилоят семинари ўтказилди. Семинардан асосий мақсад — ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишини юксалтириш, компютер билан ишлаш жараёнида инглиз тилидан эркин фойдаланишга йўналтиришдан иборат эди.

2012/11 гуруҳида инглиз тили фани ўқитувчиси Феруза Эшонқулова томонидан "Бизнинг ҳаётимизда компютер ва унинг аҳамияти" мавзусида ноъанавий дарс ўтилди. Дарсда "музёраш машқи", "тушунтириш", "бахс-мунозара", "ақлий ҳужум", "балик скелети"

каби интерфаол усуллардан фойдаланилди. "Интернетнинг афзалликлари: салбий ва ижобий томонлари" мавзусида инглиз тилида муаммоли вазият яратилди ва баҳс-мунозара уюштирилди. Дарсда ўқувчилар томонидан инглиз тилида тайёрланган видеоролик намойиш этилди. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган, бугунги кунда ҳикматга айланиб бораётган фикр ва мулоҳазаларни инглиз тилида баён этишди. Қўшиқ куйланди, шёърлар айтилди, компютер курилмаларига инглиз тилида таъриф берилди, ўқувчилар турли номинацияларда баҳоланди. Ўқувчилардан Насиба Тошқулова ва Мурод Хожиевларнинг иштироки юқори баҳоланди.

107/12 "Молия" йўналишидаги гуруҳда "Тиллар" кафедраси мудири Зебо Комилова томонидан "Йил фасллари" мавзусида очик дарс ўтказилди. Дарс давомида "дебатлар", "занжир", "Кейс стади", "кластер" усулларидан ўринли фойдаланилди. Йил фасллари бўйича ўқувчилар шёър, қўшиқ, тез айтишлар, мақол ва маталлар айтишди, фасл байрамларига мос табрик хатларини инглиз тилида тайёрлашди ҳамда ўз мутахассис-

ликлари ва бошқа касбларга таъриф беришди. Дарсда барча ўқувчилар фаол иштирок этишди ва ўқитувчи томонидан рағбатлантирилди.

103/12 "Компютер ва компютер тармоқларини сошлаш техниги" йўналишидаги рус тилида тахсил олувчи гуруҳда Ойгул Исомова томонидан "Ўзбекистоннинг тарихий қадамжолари" мавзусида очик дарс ўтилди. Ўзбекистоннинг тарихий шахарлари ҳақидаги маълумотлар мутахассисликка боғланган ҳолда ўқувчилар онига чуқур сингдирилди, "билиц сўров", "БББ" каби интерфаол усуллардан ўринли фойдаланилди. Ўқувчининг овзаки ва ёзма нутқ саводхонлигини мустақамловчи қисқа муддатли тест синови, лингвон воситасида нутқни ривожлантирувчи машқлар ўтказилди. Унда Анастасия Нельга, Жанар Раҳмонова, Мирзохид Мирзаев, Зарина Гайировалар фаол иштирок этишди.

Ушбу семинар барчада яхши таассурот қолдирди.

Ойдин ҲОТАМОВА,
Зарафшон компютер технологиялари коллежи ўзбек тили фани ўқитувчиси

Яқинда "Ўзбекистон" нашриётида "Ўзбекистон Республикаси Президенти Илом Каримов фаолияти хроникаси" китоби нашрдан чиқди.

ШОНЛИ ЙЎЛ

Китобдан ўрин олган 1989-2012 йиллар давомидаги маълумот ва ахборотлар юртимизда мустақил, эркин ва демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, кенг қўламли сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини амалга ошириш, маънавий қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш, тинч-осойишта ҳаётни асраш, юртимизни дунёга танитиш, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа қўлаб соҳаларда халқимизнинг фидокорона меҳнати, Президентимизнинг сиёсий иродаси, қатъият ва матонат билан эришилган юксак марралар ҳақида атрофлича тасаввур уйғотишга хизмат қилади.

Нашрга алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари йўналиши бўйича ҳам энг муҳим маълумотлар киритилган. Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб соҳага оид ушбу маълумотларни хронологик тарзда бериб борамиз.

1992 йил

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Илом Каримов "Алоқа тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

1993 йил

7 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Илом Каримов "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

1994 йил

6 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Илом Каримов "Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

15 июль. Мамлакатимиз раҳбари Илом Каримов ГФРдаги "Сименс" компанияси президенти ва бошқарув раиси доктор Х.Фон Пирерни қабул қилди. "Республикамиздаги алоқа тармоқларини янгилаш ва такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон ва "Сименс" ўртасида тузилган дастур, шунингдек, Соғлиқни сақлаш, Энергетика, Алоқа вазирликларимиз билан ҳамкорликка асосланган ҳамда 1994-1996 йиллар ичида амалда татбиқ этиш мўлжалланган лойиҳаларнинг эътиборга лойиқдир", деди мамлакатимиз Президенти меҳмонга.

Х.Фон Пирер Ўзбекистон ҳукуматининг мавжуд техникани модернизациялаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини маъқуллади ва бу ҳаракат келгусида республиканинг иқтисодий ва сиёсий ҳамолиотига ҳисса қўшади, дея ишонч билдирди.

Меҳр ва эътибор

12-Меҳрибонлик уйида юз нафарга яқин тарбияланувчи бор. Улар уч йилдан буён Термиз шаҳридаги Алпомиш маҳалласи ҳудудида қад ростлаган янги ва замонавий бинода истиқомат қилишади. Мактаб ҳам шу бинода жойлашган.

Яқинда бу мўъжазгина билим масканида 2012-2013 ўқув йилининг сўнги кўнғироғи янгради. 12-Меҳрибонлик уйи директори Дилбар Сувонова тарбияланувчиларни шахсий ҳаётларидаги унутилмас кун билан табриқлади.

Яқунланган ўқув йили ҳам мактаб муаллимлари жамоасидан ўзгача масъулият ҳисси билан ишлашни тақозо этди. Одатдагидай, биринчи навбатда, ота-она меҳрига ташна болаларнинг кўнғилига қараган ҳолда фаолият юритилди. Иккинчидан юз фоиз ахборот-коммуникация технологиялари асосида дарс ўтилди. Ўқил-қизларнинг компютер саводхонлигини оширишга жиддий эътибор қаратилди. Зарур веб-сайтлардан бемалол фойдаланиш, дастурлаш сирларини билиш каби кўникма-малакани шакллантирганлар кўп бўлди. Битирувчи ёшлардан бири Шухрат Зиёратов эса солиқ соҳаси билимдони кўриқтанловининг республика босқичида совриндор бўлиб қайтди.

Меҳрибонлик уйи қошидаги ахборот-ресурс маркази ўқув йили давомида ёшлар билан тўлиб турди. Улар дарсликларнинг электрон вариантларидан кенг фойдаланишди.

Санокли кунлар ичида 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари тоғолди тумани — Бойсунга йўл олишади. Бу ердаги оромгоҳда ёзги таъилни мароқли ўтказиш учун етарли шароитлар яратилган.

Дастур доирасида

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали бошқаруви ва бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ходимларнинг фарзандларига катта ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Хусусан, ўтган йили 129 нафар ўғил-қизнинг имтиёзли ва мароқли дам олиши ҳамда соғломлаштирилиши таъминланди. Болажонлар Узун, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Шеробод туманларидаги Холмухаммад Қулниеъов номидаги, "Чашма-Тошпўлатбой", "Мироб", "Вахшивор", "Бешбулок", "Бешбулок-Сурхон-Шеробод" оромгоҳларида бўлиб, ёзги таъилни мазмунли ўтказиб қайтишган эди.

Тенгдошлар тез орада яна шу манзилларга йўл олишади. Шу мақсадда филиал жамоаси "Обод турмуш йили Давлат дастури" доирасида ўз вазифаси ҳамда мавсумий режасини белгилаб олган. Унга мувофиқ филиалга қарашли почта алоқаси тармоқларида меҳнат қилётган кўп боқали ва кам таъминланган оилалардан 15таси фарзандларига бепул йўлланма олишади.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги муҳбири

Xalqaro hayot

БЕЛГИЯ қироли Алберт II 21 июль — Белгия миллий байрами кунда тўғич ўғли шаҳзода Филипп фойдасига тахтдан воз кечиши мумкин. Бу ҳақда журналистларга қироллик солномачиси Патрик Вебер хабар берди.

"21 июлда шу хабар эълон қилиниши мумкин, кейин Қирол байрамида ҳокимият тўқил топширилади", — дейди Вебер.

ПОКИСТОНнинг Шимолий Вазиристон ҳудудига Американинг учувчисиз бошқариладиган самолёти ҳужумидан камида икки киши ҳалок бўлган, тўрт киши аранган. Маҳаллий полициячилар айтишчи, ракета-лар Мироншоҳ шаҳри яқинидаги уйлارга келиб тушган.

Американинг дрон учоклари ҳужуми Покистонда мунозараларга сабаб бўлиб келаётган мавзулардан ҳисобланади. Ташқи ишлар вазири расмий содир қилинган навбатдаги ҳужумни мамлакат мустақиллигига таҳдид сифатида баҳолаган. Вашингтон эса бу каби ҳужумларда оддий инсонлар жабр кўришларини деярли тан олмай келади, Шимолий Вазиристонда жойлашиб олган жангариларга қаратилгани, маҳаллий кучлар уларни йўқ қилишга қудрати етмаслигини таъкидлайди.

БРЮССЕЛдаги халқаро конференцияда Мали учун донор бўлганлар 3 млрд. 250 млн. евро тақдим этишга қарор қилишди. Малининг йирик донори бўлган Европа Иттифоқи 2013 ва 2014 йил давомида 520 млн. евро ажратди. Бу маблағ фақатгина инсонпарварлик ёрдами учун эмас, балки Малида жамоатчилик жараёнини таъминлаш учун ҳам сарфланади.

ХИТОЙнинг Umeox компанияси энг юққа смартфон ишлаб чиқариш бўйича «пойга»га қўшилишга қарор қилди. Ёзда компания корпусининг қалинлиги 5,6 миллиметр бўлган X5 моделини тақдим этади.

Янги смартфон ҳақида деярли ҳеч қандай маълумот йўқ. Фақат унинг ташқи ўлчамлари (118x60x5,6 мм), шунингдек, амалий тизими талқини — Android 4.2 (Jelly Bean) эканлиги маълум. Ускуванинг ички хусусиятлари сир тутилмоқда. Umeox X5 сотувга июлда чиқиши режалаштирилган.

ТУРКИЯ Таълим, саноат ва технология вазири Соғлиқни сақлаш вазири билан ҳамкорликда дори-дармон ҳамда тиббиёт ускуналарини ишлаб чиқаришга қаратилган инвестицияни кўпайтириш бўйича лойиҳа устида иш олиб бормоқда.

Лойиҳага кўра, биринчи навбатда, Туркияда камбў ёки маҳаллий бозорда қиммат ҳисобланган дориларни ишлаб чиқариш режалаштирилган. "Баъзи дори воситалари Туркияга жуда қиммат нархларда импорт қилинмоқда. Хаттоки, айрим дориларни мамлакатда топши ҳам жуда қийин. Ушбу лойиҳа доирасида биз ўзинида айнан мана шу каби воситаларни ишлаб чиқаришни режалаштиришимиз", — дейди Таълим, саноат ва технология вазири Нихат Эргин.

ГОНКОНГда бўлиб ўтган Кристес аукционда бриолет қиррали йирик бриллиант рекорд нарх — 11 миллион долларга сотилди.

Овирлиги 75,35 карат бўлган қимматбаҳо тошни харид қилган шахснинг исми сир тутилмоқда. Унинг сўнги баҳоси дастлабки нархи, яъни 12,5 миллион доллардан паст бўлганига қарамай, бу аввалиги рекордини янгилаш учун етарли бўлди. Аввалиги рекорд вази 10,48 карат бўлган бриолетга тегишли бўлиб, у тош 10,8 миллион долларга сотилган эди.



ETHERNET ТЕХНОЛОГИЯСИГА 40 ЙИЛ ТЎЛДИ

Локал тармоқларнинг энг оммалашган бу технологияси афсонавий Xerox PARC лабораториясида илк лойиҳалардан бири сифатида дунёга келган. Расман Ethernetнинг "туғилган куни" 1973 йилнинг 22 май куни — Роберт Меткалф PARC бошлиғига янги технологиянинг истиқболлари ҳақида хат йўллаган кун ҳисобланади. Орадан йиллар ўтди. 1976 йили Меткалф ва унинг ёрдамчиси Дэвид Борге "Ethernet: Distributed Packet-Switching For Local Computer Networks" брошюрасини чиқариб, уни дунёга танитишди.

Меткалф 1979 йили Xerox компаниясидан истефого чиқди ва компютерлар ҳамда локал ҳисоблаш тизимларига ихтисослашган 3Com компаниясига асос солди. Айнан у DEC, Intel ва Xerox компанияларини ўзаро ҳамкорликда Ethernet (DIX) стандартини ишлаб чиқаришга кўндирганди. Шундай қилиб, 1980 йилнинг сентябр ойида Ethernet стандарти тақдими ўтказилди ва кейинчалик амалдаги Arcnet ҳамда Token ring технологиялари билан рақобатга киришиб кетди. Эски технологиялар бунга узок даш бермади — ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида улар бозордан бутунлай сикиб чиқарилиди.

Ўтган ўн йилликлар Ethernet учун ўсиш ва ривожланиш даври бўлди, табиийки, маълумотлар узатиш тезлиги ҳам мунтазам юқорилаб борди. Энди у оддий алгоритмлардан мураккаб тармоқ технологияларга ўтиб, юз минглаб компаниялар томонидан миллионлаб фойдаланувчиларга тақдим этиляпти.



ВИДЕОМОНТАЖ КОМПЮТЕР АЛГОРИТМЛАРИДА АМАЛГА ОШАДИ

Махсус эффектлар яратиш учун видео кетма-кетликни шакллантириш, фонни алмаштириш ёки бир неча дублни жойлаштириш — буларнинг барчаси замонавий киносанъатнинг ажралмас, шу билан бирга, мураккаб жараёнлари ҳисобланади. Аммо таракқёт бир жойда қотиб қолмайди. Цюрих (Швейцария)даги Disney Research компанияси компютерчилари бу мушкул ишни осонлаштириш мумкинлигини айтишмоқда.

Швейцарияликлар ишлаб чиққан тизим DuctTake дея номланиб, одатдаги видеофайллардан фаркли рақивда "қирқин" ва "ёпиштириш" амалларидан ҳоли, яъни бунинг ўрнига макон ва замон "чоки"ни аниқлаш учун компютер алгоритмларидан фойдаланилган ҳолда видеомонтаж амалга оширилади.

Бу "чок"лар мураккаб шаклда бўлиши, одамлар, мебел, автомобиллар ва тасвирдаги ҳоказо объектларни акс эттириши мумкин.

Масалан, DuctTake бир актёр иштирокидаги бир неча дубдан энг яхшисини танлаб, монтаж қилиш, тасвирдаги ортиқча объектларни йўқотиш, уларнинг ўрнига исталган манзарани жойлаштириш имконини беради. Шунингдек, DuctTake видеокөмпозитга табиий кўришиш берувчи, ёрқинлик, тиниклик, ранглар уйғунлигини мослаштириш каби функцияларга эга.

AT-хабарлар

Аксарият компаниялар ўзларининг корпоратив тармоғида қандай дастур ва қурилмалар ишлатилаётганига унчалик жиддий эътибор қаратишмайди — бу "Касперский лабораторияси" ҳамда B2B International компанияси ҳамкорликда 2012 йил якунларига оид ўтказган тадқиқот ҳулосаси. Таҳлилларга биноан, компанияларнинг 57 фоизда дастурларни назорат қилишда махсус воситалардан фойдаланилмаса, 56 фоизда ташқи қурилмаларнинг тармоққа уланлишига безътиборлик кузатишган.

Жаҳон бозорига сенсор суюқкристалл (LCD) экранлар чиқариш 2012-2016 йиллар оралиғида икки мартаба ошади, дейилади IHS iSuppli ҳисоботида.

Смартфонлар, планшетлар ва ноутбуклардан ташқари, мониторлар, рақамли камера-лар, навигаторлар, портатив медиа-плеерлар, камкодерлар, электрон китоблар ҳамда рақамли фоторамкаларда бу восита кенг татбиғини топяпти.

Google компанияси SSL-сертификатлаш тизимини янгилашни бошлади ва 2013 йил якунига қадар узунлиги 2048 битга тенг шифрлаш қалитларига ўтади. Янги SSL-қалитлар Google серверлари ва фойдаланувчиларнинг компютерларидаги боғланишда қўлланилиб, хуфя маълумотлар билан ишлашда ҳимояни кучайтиришга хизмат қилади.

Quantenna Communications компанияси маълумот узатиш тезлиги 1,7 Гб/сонияга тенг Wi-Fi-чип (QSR1000) ишлаб чиқди. QSR1000 чипи 802.11ac стандартига асосланган бўлиб, 4x4 конфигурацияли MIMO технологиясини қўллайд.

Компания вакиллариинг айтишларича, янги чип бир пайтнинг ўзида бир неча симсиз қурилмага Full HD форматли видеони узата олади. Қолаверса, Ultra HD видеони узатишга ҳам бардош беради.


Уч йиллик танаффусдан сўнг Yahoo интернет-компанияси яна энг қиммат брендлар рейтингига киритилди (ТОП-100 BrandZ). Компания бренди \$9,83 млрд.га баҳоляниб, 92-поғонадан ўрин олди. Мазкур рейтингдаги биринчи ўринни Apple (\$185 млрд.), иккинчи поғонани Google (\$114 млрд.) банд этган.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ярмарканинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари, ТАТУ ректори Хаким Муҳитдинов иштирок этди. У ярмарка моҳиятига тўхталар экан, мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишлари, ўқиб-изланишлари, бор иқтидор ва салоҳиятларини рўйбега чиқаришлари учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида гапирди. Бу каби меҳнат ярмаркалари ҳам ёшларнинг келажагини қўзғаб ўтказилаётганлигини, АКТ соҳаси корхона ва ташкилотларига бугун малакали ёш мутахассислар жуда кераклигини, фақат ёшлар бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, таълим жараёнида олган назарий би-

лш иш ўрни билан катнашиб, олти нафар мутахассисга йўланма бердик. Улардан суҳбатдан муваффақиятли ўтганлари бизнинг сафимизга қўшиладилар. Шунини айтишим жоизки, ярмарка нафақат ёшларга, корхона ва ташкилотлар учун ҳам фойдалидир. Масалан, ташриф буюрган ёшлар соҳада фақат алоқа бўйича эмас, балки лойиҳа бўйича ҳам корхона борлигини билишди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ кадрлар ва малака ошириш бўлими бошлиғи Тожимурод Хўжакуловнинг айтишича, жамият ярмаркада Тошкент шаҳар ва вилояти почта соҳаси учун жами 60та бўш иш жойини тақдим этган. Ажратилган иш ўринларининг 22таси олий маълумотли, қолгани ўрта-маҳсус таълим дипломига эга ёшлар учундир. Натижа ёмон бўлмади. Етмишга яқин ёшлар айнан почта тизимида ишлаш учун резюмеларини топширдилар. "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш рес-



Ёниб яшаш

ёниб ишлаш фаслидир ёшлик!

АКТ соҳаси мутахассисларига талаб ортиб бормоқда

лимларини ҳаётга татбиқ этишда қўрқмасдан олға интилишлари лозимлигини таъкидлаб, барчаларига омад тилади.

Университет спорт залида ташкиллаштирилган меҳнат ярмаркаси ТАТУ ва АТ-мутахассислари тайёрловчи касб-хунар коллежлари ва лицейлари битирувчилари, юқори босқич талабалари ва ўқувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари билан гавжум бўлгани бизни қувонтирди. Ишга иштиёқманд ёшлар ўзларига маъқул корхона ёки ташкилот стендларида зарур маълумотлар билан обдон танишдилар. Ўз навбатида, соҳаларнинг масъул вакиллари уларга ўз корхоналари, мавжуд шарт-шароитлар, хизмат кўрсатиш турлари, бўш иш ўринлари ва олийк маошларгача эришмай тушунтириш бердилар. Шу жойининг ўзида жуда қўзғаб ёшларга суҳбатдан ўтишлари учун йўланмалар берилди.

— Қўзғаб ёш мутахассисларнинг корхонамизда ишлашга иштиёқ билдириши бизни беҳад қувонтирди, — дейди "Алоқалойиха" ДУКнинг ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Гулчехра Кенжаохунова. — Ярмаркада учта — иккита олий ва битта ўрта-маҳсус маълумотли ходим учун

публика маркази", "Алоқабанк", Электромагнит Электрониклар маркази, "Ўзбектелеком" АК, Давлат статистика қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши каби корхона ва ташкилотларга ташриф буюрувчилар алоҳида кизиқиш билдирдилар. "Ходимларимизнинг 80-85 фоизи ёшлардир, — дейди "Телеком Инвест" филиали кадрлар бўлими назоратчиси Алия Аҳмедова. — Филиалимиз йилдан-йилга соҳада ўзининг мустақкам мавқеига эга бўлиб борапти. Бу эса яна қўзғаб ёш мутахассисларга эҳтиёж туғдириши табиий. Шунинг учун ярмаркада 13та бўш иш ўрни билан катнашдик. Стендимиз ёшлар билан гавжум бўлгани бизни янада руҳлантирди. ТАТУ талабаларининг уч нафарига иш устаси ва АКТ муҳандиси вазифаси учун йўланмалар бердик.



Тошкент информатика касб-хунар коллежи битирувчиларидан 7 нафари ва Тошкент алоқа касб-хунар коллежи битирувчиларидан 12 нафари билан уч томонлама шартномалар тузилди".

Айтиш жоизки, аҳолини иш билан таъминлашда Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг Бандликка қўмаклашувчи марказлари ҳам алоҳида ўрин тутди.

— Марказимиз нафақат ёшлар, балки аҳолининг кенг қатламлари орасида бирор касбий малакага эга бўлмаган ва шу сабабли мақбул иш топа олмаётганлар, ўз мутахассислиги бўйича иш тополмасдан янги касбга ўқишга эҳтиёжи борлар ва аввалги касби бўйича меҳнат қобилиятини йўқотганлар учун зарурий ёрдам бериб келяпти, — дейди Юнусобод туман Бандликка қўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази 1-тоифали мутахассиси Сардор Эргашев. — Бу каби марказларда бўш иш жойлари ва керакли касбга ўқиш имкониятлари тўғрисида тўла маълумот олиш мумкин. Биз меҳнат бозорига зарур бўлган барча касб ва мутахассисликлар бўйича ўқиш имконини яратиб беришга тайёرمىз. Бунинг учун барча марказларда маҳсус ўқув марказлари мавжуд. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинларида, олийгоҳларда, коллеж ва лицейларда учрашувлар ўтказамиз, кенг жамоатчиликни марказимиз фаолияти билан яқиндан таништирамиз.

Ярмаркага ҳам шу мақсадда ташриф буюрдик. Таълим муассасалари, корхоналар ва марказимиз ўртасида уч томонлама ҳамкорлик мустақкамланса, ёшларни ишга, касбга йўналтиришда маъсулиятли ишимизда кўпрок натижага эришамиз, деб ўйлайман.

Юқорида айтилганидек, ярмаркада иш изловчи сифатида нафақат талабалар ва олий ўқув юртли битирувчилари, балки касб-хунар коллежлари ва лицейлари ўқувчилари ҳам фаол катнашди. "Меҳнат ярмаркаси ўтказилишини эшитиб, ўқувчиларимни олиб келдим, — дейди Ўртачирчиқ туманидаги Ахборот технологиялари ва сервис касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Усмон Қосимов. — Мақсадим, ўқувчилар АТ соҳаси бўйича янада кенгрок маълумотга, тушунчага эга бўлишсин. ТАТУда бугун қандай янги йўналишлар очилган, корхона ва ташкилотларда қайси мутахассисликларга талаб юқори — барчасини ўз қўзғабилан кўришсин. Шу ярмарка сабаб улар ўз олдида қатъий бир мақсадни белгилаб олишса, шу бизнинг ютуғимиздир".

Айтиш жоизки, бугунги кунда барча соҳаларда АКТни кенг қўллаш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Бу эса мазкур соҳани мукаммал эгаллаган мутахассисларга талабнинг ортишига олиб келади. Шундан келиб чиқиб, айни дамда қўмитанинг АКТ бўлимлари, шунингдек, давлат, хўжалик бошқаруви ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг АКТ бўйича маҳсус бўлимларидаги раҳбар ва мутахассис лавозимларига номзодларни кўриб чиқиш учун маълумотлар базаси шакллантирилмоқда.

АКТни жорий этиш ва ривожлантиришга маъсул давлат органларининг ихтисослаштирилган тузилмавий бўлимлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ярмаркада ушбу бўлимлардаги бўш иш ўринлари ҳам тақдим этилди. Бу каби тadbирларни республикамизнинг барча минтақаларида ҳам ўтказиш кўзда тутилган.

Усмонжон Йўлдошев,
"Xabar" мухбири
Муаллиф олган суратлар



Развития оптических линий связи в телекоммуникационной сети Республики Узбекистан

Мировая практика показывает три уровня рентабельности услуг связи:

- высокорентабельная услуга — международная и междугородная телефонная связь;
- средней рентабельности услуга — городская телефонная связь;
- в основном убыточные услуги — сельской телефонной связи.

До 1992 года в Узбекистане весь спектр телекоммуникационных услуг (телефония, телеграфия, передача данных, аренда каналов) предоставлялся монополия государственной компании — Министерством связи, вся международная связь осуществлялась через Московскую международную станцию по 13 аналоговым телефонным каналам. Телефонная сеть полностью состояла из аналоговых систем коммутации с небольшой долей (5-10%) цифровых систем передачи.

Исходя из сложившихся трех уровней рентабельности услуг связи, в первую очередь необходимо было осуществлять меры по развитию и реконструкции междугородной и международной телефонной связи, а получаемую в результате этого прибыль использовать на развитие местной телефонной связи.

Для обеспечения развития телекоммуникации в республике, увеличения количества и качества услуг населению 1 августа 1995 года Кабинетом Министров Республики Узбекистан была принята "Национальная программа реконструкции и развития телекоммуникационной сети Республики Узбекистан на период до 2010 года"

Национальная программа предус-



матривала три этапа реализации.

На ПЕРВОМ ЭТАПЕ до 2000 года был осуществлен ввод в городах Ташкент, Нукус и областных центров междугородных городских телефонных станций нового поколения.

ВТОРОЙ ЭТАП (2001-2005 гг.) характеризовался работой по цифровизации местных телефонных сетей в городах и райцентрах республики, расширены масштабы внедрения современных АТС в сельской местности, а также применения радиотелефонной связи на селе.

ТРЕТИЙ ЭТАП (2006-2010 гг.) предусматривает завершение техниче-

ских и организационных работ по созданию цифровой телекоммуникационной сети Республики на новой базе - цифровых телефонных станциях и системах передачи, организуемых на основе волоконно-оптического кабеля.

До 1992 года в Узбекистане вся магистральная и внутризоновая первичная сеть была организована на основе медных кабельных и воздушных линий связи. Создание цифровой транспортной сети началось со строительства Транс-Азиатско-Европейской волоконно-оптической линии связи (ТАЕ ВОЛС) Шанхай - Франкфурт-на-Майне, соединившей 12 стран: Китай, Киргизию, Казахстан, Узбекистан, Туркменистан, Иран, Турцию, Украину, Беларусь, Россию, Польшу, Германию.

26 ноября 1997 года был введен в эксплуатацию национальный сегмент Узбекистана ТАЕ ВОЛС, протяженностью 830 км., на котором было проложено 885 км. 18-ти волоконно-оптического кабеля.

Этот "Магистраль" проходит через шесть областей — Бухарскую, Кашкардарьинскую, Самаркандскую, Джизакскую, Сырдарьинскую и Ташкентскую области, обеспечивая связью крупные города, такие как Бухара, Навои, Карши, Термез, Самарканд, Джизак, Гулистан, Ташкент. На ответвлениях от основного тракта в большинстве случаев используется синхронные системы уровня STM-1 со скоростью передачи 155 Мбит/с.

Существующая телекоммуникационная сеть представляет собой композицию волоконно-оптических и ра-

диорелейных линий связи.

В настоящее время в республике продолжают работы по реконструкции и расширению сети телекоммуникации на основе инвестиционных проектов:

- "Модернизация и развитие местной сети телекоммуникаций по технологии сетей нового поколения (NGN)"

- "Модернизация и расширение сети мобильной связи (CDMA-450)"

- "Модернизация и расширение Международных Центров Коммутации по технологии сетей нового поколения"

- "Расширение и модернизация международного центра пакетной коммутации"

- "Строительство волоконно-оптических линий связи".

2012 году прокладка волоконно-оптических кабелей связи составила протяженностью более 1200 км.

Основная тенденция развития телекоммуникаций Узбекистана — расширение международной деятельности. Компания "Узбектелеком" ведет активную работу с зарубежными компаниями и Администрациями связи, Региональным сотрудничеством в области связи (РСС), Советом операторов РСС, Международным союзом электросвязи ("Интеллигент"). При налаживании новых контактов и поддержке уже установленных "Узбектелеком" придерживается политики долгосрочных партнерских взаимоотношений и обеспечения экономической целесообразности сотрудничества.

Рустам УМАРОВ,
магистр ТУИТ

РАЗРАБОТКА ТАКТОВОЙ ЦИФРОВОЙ СИНХРОНИЗАЦИИ

Для эффективной работы цифровой сети и обеспечения ее надежности, живучести необходима организация единой системы тактовой сетевой синхронизации (ТСС), которая должна обеспечивать передачу различной цифровой информации с качеством, отвечающим международным требованиям.

По мере того как растут скорости передачи и коммутации, вводятся широкополосные и интеллектуальные сети, расширяются объемы данных, передаваемых по телекоммуникационным сетям, будет возникать необходимость во все более и более точной синхронизации.

На цифровых сетях различают два основных режима работы цифровой сети связи: Плезихронный и Синхронный.

Плезихронная цифровая сеть — сеть в которой задающий генератор (ЗГ) контролируемые узлы связи работают независимо друг от друга, но любые вариации скорости жестко ограничены определенными пределами. Два сигнала с одинаковой номинальной скоростью, но полученные не от одного и того же ЗГ являются плезихронными. Если разность частот сигналов от двух разных узлов не превышает 2×10^{-11} , то

эта сеть называется плезихронной.

Синхронная цифровая сеть — сеть, в которой значащие моменты сигналов либо возникают с абсолютно одинаковой средней частотой, либо с такой же частотой но с ограниченным сдвигом фазы.

Целью синхронного режима работы является избежание возникновения проскальзываний, используя различные методы контроля частоты и фазы ЗГ на цифровой сети. Существует два основных метода синхронизации при работе в синхронном режиме, каждый из которых имеет также несколько реализаций:

Ведущий-ведомый:

- а) иерархический ведущий-ведомый;
- б) внешнее подключение.

Взаимная:

- а) с односторонним управлением;
- б) с двухсторонним управлением.

Принцип этого метода заключается в существовании одного основного



ЗГ от которого синхронизированы все остальные ЗГ узлов сети. Синхронизация достигается фазовой автоподстройкой частот ведомых ЗГ к эталонной частоте первичного эталонного генератора (ПЭГ). Метод фазовой автоподстройки частоты заключается в поддержании на ведомом узле разности фаз эталонной частоты и частоты собственного ЗГ неизменной или равной нулю. Информация об изменении разности фазы использует-

ся в цепи подстройки частоты и изменяет значение напряжения управляющего частотой ЗГ. Такой ЗГ называется управляемый напряжением кварцевый генератор (VCXO-voltage controlled crystal oscillator). Таким образом ведомый ЗГ постоянно подстраивается под ПЭГ и явление проскальзываний не имеет места.

А. РАЖАБОВ,
магистр ТУИТ

Хабарлар +tv

ДУШАНБА — 3 ИЮН

5:55 Курсатувлар дастури.
6:00 "Ассалом, Ўзбекистон".
7:00 "Иқлим".
7:05 "Кўнгиш қўшиқ истайдим".
7:20 Милли сериал: "Ўзи уйдиманган соғин".
8:00 "Тадқиқов".
8:40 "Илҳум хоним". Т/с.
9:25 "Иқлим".
9:30 "Душманга болалар".
9:40 "Саломатлик сирлари".
9:55 "Сарой жаҳонгир". Т/с.
11:00 "Абобот".
11:10 "Ватанпарвар".
11:55 "Иқлим".
12:00 "Ассалом, Ўзбекистон".
12:50 "Кўнгиш қўшиқ истайдим".
13:05 "Медоматика хужайини". Т/с.
13:50 "Заркент".
14:00 "Абобот".
14:15 "Эне студияси: Этикада муҳтамакми ёшлар".
14:35 "Иқлим".
14:40 "Ўбек киноси: "Шум бола".
16:10 "Қоричин".
16:30 "Тарқоқтар дастури".
17:00 "Абобот".
17:10 "Кандакорлар".
17:20 "Эриш финер".
17:40 "Эришлар - хошимлика етказар".
18:00 "Кўнгиш қўшиқ истайдим".
18:15 "Менинг боғим".
18:30 "Илҳум".
18:35 "ТВ - шифокор".
18:40 "Елчи қабултар". Т/с.
19:25, 20:00, 20:55 Эълонлар.
19:30 "Абобот" /рус/.
20:05 "Навоий бегонаидан".
20:10 "Медоматика хужайини". Т/с.
21:00 "Абобот".
21:40 "Душманнинг иши ёки оғурурушлик".
22:10 "Кўнгиш қўшиқ истайдим".
22:15 "Сарой жаҳонгир". Т/с.
23:30 "Иқлим".
23:35 - 00:00 "Йилги хаёни". Х/ф.
00:00 Курсатувлар дастури.
00:05 "Қоричин".
00:25 "Кандакорлар".
00:45 "Менинг боғим".
1:00 "Абобот" /рус/.
1:30 "FestTeatr". От Виллан томонда".
1-қисм.
2:10 "Ватанпарвар".
3:00 "Суварианд болалар".
3:00 "Шарқ тароналари".
3:10 "Ассалом, Ўзбекистон".
4:00 "Абобот".
4:40 Милли сериал: "Ўзи уйдиманган соғин".
5:20 "Саломатлик сирлари".
5:35 "Иқлим".
5:40 - 5:55 "Заркент".

20:20 "Этикада бозорчилар".
20:30 "Ёшлик навоилар".
21:10 "Аскар". Т/с.
22:00 "Давр".
22:30 "Янги Шерлок Холмс". Т/с.
23:10 "Ёшлик навоилар".
23:40 "Абобот на ҳақиқат".
00:30 "Музыкавий дунё".
1:20 "Қолабмо". Т/с.
2:00 "Давр".
2:30 "Ҷири на малика". Т/с.
3:20 "Умриш хибобни". Х/с.
3:50 "Миллий мерос".
4:00 "Дайлар". Б/ф. 1-қисм.
5:30-6:00 "Бағд формуласи".

6:00 "Маҳорат".
6:05 Курсатувлар тартиби.
6:10 "Ғалат гулашан".
6:20 "Худай-магом". Т/с. 75- қисм.
7:00 "Салом, Тошкент".
8:00 Тошкент тароналари.
8:15 "Донлар босилгани".
8:20 "Интеллектуал ақилдор".
8:30 "Ҳойтаҳт".
8:50 "Саруаштар ороли".
9:15 "Камер оркестрининг концерти".
9:30 "Ҳойтаҳт".
9:40 "Анион".
9:45 "Муқолада урун малку".
10:15 "Интервью".
10:25 "Уларни".
10:30 "Ҳойтаҳт". /рус. тилида/.
10:40 "Мактабга бир кун".
11:00 "Сизга мактуб". Б/ф.
13:00 "Салом, Тошкент".
14:00 "Дунё теледастури".
14:55 "Бизнес-инфо".
15:00 "Ҳойтаҳт".
15:15 "Анион".
15:25 "Ҳойтаҳт ёшларидан".
15:40 "Танга нуқтаи".
16:05 "Илҳум". Т/с. 21-қисм.
16:30 Тошкент тароналари.
16:45 Муҳаббатидан. "Филитер в Логика". 2-қисм.
17:10 "Келинг менинг дустларим". /видео тилида/.
17:25 "Эко-Ҳойтаҳт".
17:35 "Манифидат филозилари".
17:55 "Уларни".
18:00 "Ҳойтаҳт".
18:25 "Интеллектуал ақилдор".
18:35 Миллий сериал: "Қалдириқдор яна кайтди". 24-қисм.
19:05 "Интервью".
19:15 "Қоричинлар".
19:25 Тошкент тароналари.
19:40 "Теле-маркет".
20:00 "Ҳойтаҳт".
20:30 "Результат".
20:35 "Сўз сизга". Тоқ. шоу.
21:20 "Теле-маркет".
21:50 "Худай-магом". Т/с. 76- қисм.
22:30 "Ҳойтаҳт". /рус. тилида/.
22:55 "Олимпиа". Б/ф.
00:35 Курсатувлар тартиби.
00:40 "Ақолат мезони".
00:55 "Тасдиқий учрашу". Б/ф. /рус. тилида (Сўрашадий муж).
2:15 "Уларни".
2:20 Хити киноси: "Сабоқтар".
3:00-6:00 "Салом, Тошкент".

11:20 Болларча на канозда эпика ақил. Жаҳон кубоги.
12:25 "Ташриф".
12:55 Радикал, нитрокарл, роқитиллар.
13:00 ХАБАРЛАР.
13:10 Боллар майдончаси: "Спортландия". Мультифильм.
13:40 "Ҳити креслалар".
14:25 Баскетбол МБА мутлақ чемпионати.
15:50 "Жаҳон Уинилари".
16:00 Теннис: "Роланд Габрос" турнири Турпадан - турни оғиб креслалардан.
17:55 Курсатувлар тартиби.
18:00 Боллар майдончаси: "Спортландия". Мультифильм.
18:30 ХАБАРЛАР.
18:50 "Универсиада-2013".
19:15 Шахмат. ФИДЕ Гран-приси.
19:45 Кураш. Халқаро турнир.
20:40 "Футбол шафари".
21:30 ХАБАРЛАР.
21:55 Интернетлар.
23:40 Енги атлетика. Гран-при турнири.
1:00 Халқаро турнир.
1:25 Кураш. Халқаро турнир.
2:20 "Жаҳон Уинилари".
2:30 Баскетбол МБА мутлақ чемпионати.
3:55 - 5:50 Теннис: "Роланд Габрос" турнири.

07:00 08:10 10:30 14:00 15:20 17:00 18:30 19:50 20:35 00:00 "ТVM" навалари
08:00 "Prime time".
09:40 Сериал "Читайский мысли".
11:30 "Х/ф".
14:10 Сериал "Музаббат номи ис".
15:10 "Prime time".
16:00 "Догад колларидан".
18:00 "Премьера".
18:40 Сериал "Музаббат номи ис".
19:40 "Prime time".
20:00 "Топ-10".
21:00 Сериал "Читайский мысли".
22:00 "МОРТАЛ КОМБАТ". Х/ф.
сўзлардан иборат. Харидор норози бўлаётгани, демек, ишингда нимадир ўз ўрнида эмас. Қаердадир хатога йўл қўяётган. Бунини тузатишнинг ягона йўли талаб ва таклифни ўрганиш. Оддийгина банк фаолиятини олиб қўрайлик. Яқинда янги русумдаги паспорт олиш учун Қўштепа туман халқ банкига маълум миқдорда пул тўлашга тўғри келди. Тўловни пластик карточка орқали амалга оширишимиз зарур эди. Шунда қизик манзара юзага келди. Нақд пулда тўловчилар ҳеч қандай қийинчиликсиз тўловни амалга оширяптилар, лекин пластик карточка орқали тўловчилар сонини ортиб боруша ҳам ҳеч ким эйтибор бермайдди. Маълум бўлишича, пластик карточка билан ишлайдиган ходим иш билан қаёқдидир юрган экан. Натижада пул тўланганини тасдиқловчи чек билан анча вақт кутиб туришга тўғри келди.

Умуман, кези келганда пластик карточкаларга хали-хануз бепасанд муносабатда бўлиш ҳолатлари давом этиб келаятганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Марфидон шаҳрининг аксари гўшт дўконлари, озиқ-овқат мини ва супермаркетлари, ҳатто айрим машина эҳтиёт қисмлари дўконлари фақат нақд пулда савдо қилади. "Бизда терминал йўқ, нақд пулингиз бўлса марҳамат!" деган сўзларни эшитиб, керакли молигини харид қила олмай дўконни тарк этар экансиз, беихтиёр хизмат кўрсатиш маданияти тамомли учун анча фурсат зарурлигини хис этасиз. Яна бир ҳақли савол: нима учун қурилиш материаллари савдоси (масалан цемент, оҳак, бўр, тахта, фиш ва бошқалар)да пластик карточкалар назар-писанд қилинмайдми?

Бизнинг фикримизча, замонавий сервисни сунъий равишда пластик карточка билан хизмат кўрсатувчи ва пластик карточкасиз хизмат кўрсатувчи турларга бўлиш мумкин эмас. Нақд пул тўлови доимо пластик карточка тўлови билан тенг бўлмоғи, ҳеч қандай устама ҳақ ундирилмаслиги лозим. Акс ҳолда, харидор ёки мижоз ҳуқуқи ерга урилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, хизмат кўрсатиш соҳалари субъектлари жамият тараққиётининг барча жаҳалларида ижтимоий-иктисодий барқарорликни таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ушбу соҳанинг такомиллашуви мамлакат аҳолисининг боийишига, тадбиркорликнинг кенг қулоч ёйишига, иктисодиётнинг ривожланишига, истеъмол бозорининг тўйинишига, давлат бюджети тушумларининг кўпайишига, ишсизликнинг камайишига қучли таъсир этади.

Набижон СОЛИЕВ,
ТАТУ Фарона фильали доценти,
Исоқжон ДЕҲҚОНОВ,
филиал битирувчи босқич талабаси

Маълумот узатиш тармоқларида ташхис ва назорат

Маълумотлар узатиш тармоғи мураккаб ташкилий-техник тизим бўлиб, барча таркибий қисмларнинг узлуксиз ҳамда мукамал ишлашини таъминлаши керак. Ташхис ва назорат қилишнинг истиқболли усулларида фойдаланиш асосида таъмирлаш-тиклаш ишларининг жадаллигини ошириш, маълумотлар узатиш тармоғи (МУТ) эксплуатацион-техник характеристикаларини яхшилаш мумкин. Шунинг учун маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар тақдим этиш сифатини яхшилашда ташхис ва назорат қилишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, маълумотлар узатиш тармоқлари операторлари эксплуатация (фойдаланиш) жараёнида маълумотлар узатиш тармоқларини тиклаш учун кетадиган вақтнинг камида 80 фоизини носоз элементни кидириб топишга сарфлайди. Шунингдек, ускунанинг мураккаблиги, функционал имкониятлари, ўлчамларининг ошиб бориши билан операторларнинг маълумотлар узатиш тармоғини самарали бошқариш учун қабул қиладиган қарорлари тўғрисида ва асослиги юзасидан жавобгарлиги ҳам ошиб боради. Бундан ташқари, операторлар тармоқ элементларининг ҳолати тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлинмаган, муаммоли вазиятларни тахлил қилишга вақт чекланган шароитларда қарор қабул қилишлари керак. Буларнинг ҳаммаси оператор имкониятларини чегаралайди. Яъни тармоқни ишлашга шай ҳолатда, жумладан, ташхис ва назоратнинг замонавий усулларида фойдаланиш ҳисобига сақлаб туриш учун ҳал қилиниши зарур бўлган вазифаларнинг мураккаблиги туфайли муаммолар юзга келади.

Ташхис ва назорат тизимининг анъанавий ёндашувлари ноаниқлик шароитида жиддий камчиликларга эга. Бу — фойдаланишда бўлган МУТнинг мураккаблиги ва сони маалакали хизмат кўрсатувчи мутахассислар сонига қараганда тезроқ ўсиб бораётгани билан боғлиқ.

Маълумотлар узатиш тармоғи диагностикаси ва назорати мураккаб вазифаларнинг илмий асосланган ечими, МУТ диагностикаси ва назорати жараёнларини тахлилий ва имитацион моделлашга асосланган янги ёндашувлардан фойдаланган ҳолда таъминлаши мумкин.

Ушбу ишда имитацион моделлаш усулидан фойдаланилган ҳолда диагностика ва назорат қилиш кичик тизими бўлган тармоқ ишлаш алгоритмининг модели ҳамда блок-схемаси ишлаб чиқилган.

Модел дастури асосий дастур билан бирлаштирилган алоҳида кичик дастурлардан иборат мустақил блоklar мажмуасини ўзида ифодалади.

Дастур таркибига қуйидагилар кирди:

1. "TRAFIK" юкламани моделлаш кичик дастурлари.
2. Хабарларни узатиш, қайта ишлаш, кутиш ва қабул қилиш жараёнини моделлаш кичик дастурлари.
3. "STATIST" тўпланган статистикани қайта ишлаш кичик дастури.
4. Хизматга оид хабарларни узатиш, қайта ишлаш ва қабул қилиш жараёнини моделлаш кичик дастурлари.
5. Маълумотлар узатиш тармоғи назорат қилинишини моделлаш кичик дастурлари.

Кичик дастурлар ишлашининг навбатлиги кичик дастурларни қайта ишлашдан кейин кетма-кет амалга ошириладиган тарзда тузилган. МУТ ишини моделлаштиришнинг бутун жараёнида ҳар бир элементлар Δt вақт оралиғида қуйидаги шартли боғлиқ ходисалар моделлаштирилади:

- турли хажмли хабарларни шакллантириш ва қайта ишлаш;
- хизматга оид хабарларни шакллантириш ва қайта ишлаш;
- тармоқ структурасига ўзгаришлар киритиш, маршрутлар матрицаларини коррекциялаш ва х.к.

"TRAFIK" кичик дастурлари тармоққа тушадиган юкламани шакллантириш учун мўлжалланган. Хабарларнинг тармоққа келиб тушиш ҳолати Пуассон қонуни ёрдамида шакллантирилади:

$$TPS_{i+1} = TPS_i + \left[-\frac{1}{\lambda} \ln \xi_i\right]$$


бу ерда, TPS_i — тармоққа $i+1$ хабар тушгандаги вақт они;

λ — вақт бирлигида тармоққа хабарлар келиб тушишининг умумий интенсивлиги бошланғич маълумотлардан аниқланади;

ξ — интервалда $(0, 1)$ тенг тақсимланган тасодифий сон.

$\Delta T = \Delta T_{i+1} - \Delta T_i$ ягона вақт интервали ичда "к" хабар шаклланади. Генерациянинг тугаллиниши они $(TPS_i) \Delta T_{i+1}$ шартдан аниқланади.

Ҳар бир хабарга, бу хабар тармоққа



қайси пакетлар коммутацияси маркази (ПКМ) дан келиб тушган бўлса, ўша пакетлар коммутацияси марказининг рақами берилди. ПКМни танлаш тасодифий сонлар датчиги (ТСД)дан фойдаланиш орқали амалга оширилади. ТСД ёрдамида, шунингдек, мўлжалланган манзил ҳам танланади. Ҳар бир пакет учун ТСД ёрдамида пакетнинг узунлиги танланади.

Шу тариқа, TPS вақт (хабар тармоққа келиб тушадиган он) ҳар доим қўшилшини ва янги тактада ҳисоб циклининг аввалги тактида олинмаган TPS қийматидан олиб борилишини ҳисобга олган ҳолда, хабарлар оқими келиб тушишининг жами вақти пуассонча бўлади. Бунинг натижасида, ҳар бир такта тармоққа бир хил бўлмаган сондаги хабарлар келиб тушади, бу модели МУ тармоғидаги реал жараёнларга сезиларли тарзда яқинлаштирилади.

"STATIST" кичик дастури статистика тўплаш учун мўлжалланган. Статистикани тўплаш тақдир қилинадиган тармоқ моделининг ишлаш жараёнида юзга келадиган вазиятларни тахлил қилиш учун зарур.

Тармоқнинг ишлашини тавсифладиган статистик материални тўплаш учун қуйидаги ҳисоблагичларнинг кўрсаткичидан фойдаланилади:

- йўл қўйилмайдиган кутиш вақти ошиб кетган пакетлар сони ҳисоблагичи;
- тармоққа келиб тушадиган пакетлар умумий сони ҳисоблагичи;
- тармоқда генерацияланадиган СС сони ҳисоблагичи;
- бевосита генерацияланадиган СС сони ҳисоблагичи;
- ҳар бир КТ (коммутация тармоғи)дан узатилган СС сони ҳисоблагичи (ҳисоблагичлар сони тармоқлар сонига тенг).

Маълумотлар узатиш тармоғини назорат қилиш тизимларининг ишлаш жараёнини моделлаш натижасида қуйидаги тавсифларни оламиз:

1. Хабарларни етказишнинг ўртача вақти;

2. Хабарларни кутиш вақти, йўл қўйилмайдиган қийматдан ошмаслиги эҳтимоли;

3. Маълумотлар узатиш каналларидан фойдаланиш коэффициенти;

4. Алоқа каналлари ишламай қилишини аниқлашнинг ўртача вақти;

5. ПКМнинг ишламай қилишини аниқлашнинг ўртача вақти;

6. Алдамчи ишламай қилишларнинг ўртача вақти;

7. Ўтказиб юборилган ишламай қилишларнинг ўртача вақти;

8. Каналнинг хизматга оид хабарлар билан ўртача юқлиниши ҳисобга олинмадиган коэффициент.

Модел блокли тузилмага эга, бу ортқча мураккабликсиз алоҳида блоklarни моделлаш ва маълумотлар узатиш тармоғини назорат қилиш тизимларининг бошқа эҳтимолий тавсифларини олиш имконини беради.

Моделда параллел борадиган M ва N узаро таъсир қиладиган жараёнларни моделлашнинг ходисавий тамойили эмас, балки вақт тамойили амалга оширилган. Унинг моҳияти шундан иборатки, маълумотлар узатиш тармоғини назорат қилиш тизимлари ишини моделлашнинг бутун вақти барча жараёнларнинг ходисалари моделлаштириладиган Δt вақтнинг кичик интервалларига бўлинади. Δt катталлини, Δt битта энг тез моделлаштириладиган жараённинг кечиб вақтидан кам ишини эътиборга олиш зарур.

Дастур Бэйсик алгоритми тилида ёзилган. Моделнинг блокли тузилмаси барча дастурдан мустақил тарзда алоҳида блоklarни соzлаш имконини беради. Маълумотлар узатиш тармоғини назорат қилиш тизимининг модели назорат қилишнинг турли тизимларини ўрганиш ҳамда турли тавсифларга ва юқлинишга эга бўлган тармоқлар учун уларнинг самарадорлигини таққослаш имконини беради.

Гулноза ТЎЛАГАНОВА,
Мафтуна ҲАКИМОВА,
Фарход СИДДИҚОВ,
ТАТУ магистрлари

ФАКТ

Bell Telephone Companyда дастлабки операторлар асосан ўсимирлар бўлган ва улар кун бўйи оёқда туриб ишлашган. Фақат йиллар ўтиб, янги технологиялар операторларнинг "ўтқоқлашиши"га замин ҳозирлади.



Яхшиликни кўрайлик!

Ўзим бошқа соҳада фаолият юритма-да, "Xabar" газетасини мунтазам ўқиб бораман. Сабаби, газета саҳифаларида бугунги кунда турли жабҳаларга дадил кириб бораётган, ўзлаштириб олишни ҳаётнинг ўзи такозо этаётган ахборот технологияларига оид энг муҳим янгиликлар, тавсиялар ва таҳлили мақолалар эълон қилиб борилмоқда. Газетада, шунингдек, турмушимизда учраб турадиган айрим салбий ҳолатлар акс эттирилган ижтимоий-маънавий мавзудаги мақолаларга ҳам кенг ўрин берилляпти. Ана шулардан бири — газетанинг шу йил 19 апрел сонидида эълон қилинган "Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё" мақоласидир.

Мақолада, менинг фикримча, оила-ларда тинчлик-осойишталик таъминлашига хизмат қилувчи, афсуски, ҳамма вақт ҳам эътибор берилмавермайдиган муҳим масала — одамларнинг бир-бирларига ва бўлаётган воқеа-ҳодисаларга турлича муносабати ҳақида фикр юритилган.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар ким қидиргани-

ни топади, деганларидек ҳаётда бошқалардан нуқул камчилик топадиганлар учраб туради. Яқинда ана шундай воқеалардан бирига гувоҳ бўлдим. Туманимизнинг фаол аёллари билан бир хонадонга ташриф буюрдик. Хонадон соҳибаси — кекса онахон тушганига ҳали бир йил ҳам бўлмаган келинини ота уйига кетишини талаб қиларди. У хонадонига бундай бетгаочпар келин керак эмаслигини айтиб, гапида қатъий туриб олганди. Шунда аёлларимиздан бири "Холажон, келинингизнинг яхши томонлари йўқми сира ҳам?" деган савол билан мурожаат қилди. Онахон бир оз ўйлаиб қолди. Сўнг

— Нега энди, яхши томонлари ҳам бор. Масалан, овқатни жуда мазали тайёрлайди, пиширилари хилма-хиллини билади, кирни тоза ювади, Лекин, гап қайтариши ҳамма яхши томонларини ювиб кетади-да, — деди сал бўшашиб.

Биз мавриди келганидан фойдаланиб, "камчини босдик". "Беайб парвардигор дейишди. Сиз унинг яхши ва ёмон томонларини тарозига солиб

кўринг, қайси томони оғир чикса, шунга қараб баҳо беринг, — дея тушунтириш бердик, гарчи ёши улуг аёлга насихат қилиш ноқулайлик туғдирса-да. — Агар яхши томонлари кўп бўлса, ёмон томонларини тузатиш осон бўлади. Бу борада яхши гап, ширин муомала ёрдам беради. Айтишади-ку, яхши гап билан илон ишидан чиқади".

Онахон нима демокчи бўлганимизни тушунди, шеклли, келин ўз уйда қолди. Кейинчалик ҳаммаси ўрнига тушиб кетди. Ҳаётда бундай мисолларни кўп-кўп учратиш мумкин. Доимо бошқаларнинг камчилигини кўрадиган одамларнинг ўзлари ҳам жаззакчи, асабий бўлиб қолишади. Бу эса уларнинг соғлигига путур етказмай қолмайди, албатта. Шундай экан, азизлар, ҳамма вақт яхшиликни кўришга ҳаракат қилайлик! Бу ўзимизга ҳам, жамиятга ҳам фаяда фойда келтириши турган гап.

Мунаввар САЙДАЛОВА,
Оқкўрғон туман ФХД
бўлими мудири

NAZM GULSHANI

ХОТИРА

Яна сени ёдимга олдим,
Кирригимда халка-халка ёш.
Узок-узок ҳаётга толдим,
Чидамокка етмади бардош.

Ўйларимга сочардинг ёвду,
Ғамларимга эдинг-ку сирдош.
Шўх эса ҳамдалим қайғу,
Нега алдаб кетдинг бағритош.

Ҳамма сирлар партага маълум,
Хотиралар бермоқда таълим...

НАМДАНАК

Бургутлидир тоғлари,
Узумлидир ботқори.
Шўх оқар ирмоқлари,
Менинг юртим, Намданак.

Ёмғирлидир баҳори,
Қаймоқлидир нахори,
Асло йўқдир озори,
Менинг юртим, Намданак.

Мадор сомса есангиз,
Меҳмон бўлай десангиз,
Долаларни севсангиз,
Сизни кутар Намданак...

Сурайё ТҶХАНБОЕВА

Мижозлар мамнун

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиалнинг Тошлоқ почта алоқаси тармоғига қарашли Саҳда алоқаси бўлими жамоаси қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Ўтган даврда коммунал тўловлари учун белгиланган режа-топшириқлар ортиғи билан удаланди. Бўлимда республика, вилоят, туман, тармоқ, соҳа оммавий ахборот воситаларига обуна қилиш муваффақиятли яқунланди. Қишлоқ ҳудудидидаги 1707 нафар пенсионер ва ногиронга нафақа пуллари вақтида етказилгани таъминланди.

— Қишлоқда 26та кўча бўлиб, бўлинмаиз ходимларидан Раҳматжон Қамбаров, Раҳмонберди Алимов, Миродилжон Хошимов сингари хабарчилар қишлоқ аҳлига намунали хизмат кўрсатишляпти. Хат-хабарлар, жўнатмалар, оммавий ахборот нашрларини эгаларига етказиб беришда зиммаларидаги масъулиятни сезган ҳолда меҳнат қилишляпти, — дейди бўлим бошлиғи Нигорахон Зияева. — Улардан мижозлар мамнун.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

ФАКТ

Интернет ҳар кунини 7 миллион саҳифага кенгайиб бормоқда.



Табриклаймиз!

"ЎЗ-Қарши" филиали жамоаси филиалнинг 221-ЭАТС участка бошлиғи Эшмўмин ХОЛМУРОДОВ, мижозлар билан ишлаш бўлими ассистенти Мукаррам АҲМЕДОВА ҳамда электр таъминоти бўлими электромонтёри Нор ТОШЕВларни қўлдоғ 50 ёшга қарши олишлари билан самимий табриклар, ишларига ривож, оилаларига фаровонлик, ўзларига эса соғлиқ тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Бешарик, Марғилон, Қўқон ПАТ ходимлари Маҳбуба ҲУСАНОВА, Лобархон ШОКИРОВА ҳамда Раънохон МЕЛИҚЎЗИЕВАларни 50-баҳорини қарши олганлари билан чин юракдан табриклайди. Уларга энг эзгу тилақларини йўллайди.

ТАТУ: Қабул жараёнларидаги янгиликлар

"Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда республика иқтисодиётининг соҳалари ва тармоқлари учун ахборот-коммуникация технологиялари бўйича халқаро стандартлар даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолияти тубдан ислоҳ қилинди.

Етакчи хорижий таълим муассасалари тажрибасига таянган ҳолда университет ва унинг ҳудудий филиалларида мутахассислар тайёрлаш таълим йўналишлари ва мутахассисликлари қайта кўриб чиқилди ва тўлиқлигича янги мутахассисликлар жорий этилди.
2013-2014 ўқув йилидан бошлаб ТАТУ ва унинг ҳудудий филиаллари қуйидаги кундузги бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул эълон қилади:

Бакалаврият (ТАТУ):
— Компютер инжиниринг ("Компютер инжиниринг", "IT-сервис", "Ахборот ховфсизлиги", "Мультимедиа технологиялари")
— Дастурий инжиниринг;
— Телекоммуникация технологиялари ("Телекоммуникация", "Телерадиоузатиш", "Мобил тизимлар")
— Телевизион технологиялар ("Аудиовизуал технологиялар", "Телестудия тизимлари ва иловалари")
— Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими;
— Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик;
— Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиёт ва менежмент;
— Почта алоқаси технологияси;

Бакалаврият (ҳудудий филиаллар):
— Компютер инжиниринг ("Компютер инжиниринг", "IT-сервис")
— Телекоммуникация технологиялари

("Телекоммуникация")
— Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими;


Магистратура (ТАТУ):

— Компютер инжиниринг ("Компютер тизимларини лойихалаш", "Амалий дастурий воситаларни лойихалаш", "Ахборот ва мультимедиа технологиялари", "Ахборот ховфсизлиги, криптография ва криптоахлил");
— Дастурий инжиниринг;
— Телекоммуникация инжиниринги ("Ахборот узатиш тизимлари", "Телекоммуникация тармоқлари", "Телерадиоузатиш");
— Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик;
— АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент.

Магистратура (ҳудудий филиаллар):

— Компютер инжиниринг ("Компютер тизимларини лойихалаш");
2013-2014 ўқув йилидан бошлаб Тошкент ахборот технологиялари университетининг барча таълим йўналишларида асосий фанлардан (математика, физика, она тили ва адабиёт) ташқари, чет тилидан ҳам имтиҳон ўтказилиши белгиланган.
Махсус сиртки бўлимининг Телевизион технологиялар ("Аудиовизуал технологиялар", "Телестудия тизимлари ва иловалари") таълим йўналишига телевидение соҳасида ушбу таълим йўналишига мос мутахассислик бўйича уч йилдан кам бўлмаган даврда фаолият кўрсатиб келаётган ҳамда мос мутахассислик бўйича ўрта махсус маълумотга эга мутахассислардан ҳужжатлар қабул қилинади.

"Ўзимдаги барча яхши фазилатлар учун китобдан миннатдорман" деган эди улуғ адиблардан бири. Маънавиятимиз, маданиятимиз, илму тафаккуримиз, ахлоқу одобимиз китоб туфайли юксалади, яхшиликдан сув ичади. Китоб ўлмас ва нодир бойликларимиз қаторидан жой олган.



Маънавият сарчашмаси

Юртбошимизнинг "Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор" деган сўзларида ҳам китобнинг офтоблиги, қалбимизга қуёш нури янглиг шуъла сочишга ишора бор. Зеро, китоб қўлга киритган барча ютуқларимиз калити эканлигини замоннинг ўзи исботлаб турибди.

Китобсеварлик ҳам халқимизга хос фазилатлардан бири, албатта. Бутун мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган "Китоб байрами" дилларни дилларга боғлади. Ҳазил мулкнинг султони, улуғ мутафаккир Алишер Навоий хайкали пойига гулчамбар қўйишдан бошланган байрам тадбири Навоий шахридаги мухташам "Ёшлар маркази"да давом этди. Навоий ҳокимлиги, матбуот ва ахборот бошқармаси, вилоят ёзувчилар уюшмаси, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, Навоий Давлат педагогика ҳамда Навоий Давлат кичлик институтлари, Республика маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган "Китоб байрами" катта тантанали айланиб кетди.

Тантанали тадбирни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, педагогика фанлари номзоди Анаора Бобомуродованинг китоб дунёси ва дунё китобларининг бой маънавий меросимизга қўшаётган ҳиссаси, китобдан нафақат билим, балки бахту саодатни, меҳр-оқибатни, яхшилик ва қадриятни ўрганиш мумкинлиги ҳақидаги, ёшларга китобга меҳр уйғотиш келажакка ишончли пойдевор эканлиги тўғрисидаги фикрлари билан бошлаб берди.

Китоб кўргазмаларида Абдулла Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, кичлик ва педагогика институтлари, касб-хунар коллежлари, мактабларнинг ахборот-ресурс марказлари томонидан намойиш этилган китоблар кўргазмаси барчани ўзига чорлади. Жаҳон адабиёти намояндлари, мумтоз адабиётимиз намуналари, бадий адабиётлар билан бир қаторда илмий-оммабоп нашрлар, бутунги адабиётимиз жонқуярлари, ёш ижодкорларнинг асарлари ўрин олган кўргазма олам-олам таассурот қолдирди.

— Республикаимиз бўйлаб ўтказилган "Китоб байрами" интронга берилиб, китобни унутмаган ёшлар қалбида китобга бўлган меҳри яна уйғотишга ёрдам берди, — дейди вилоят ахборот-кутубхона маркази директори ўринбосари Шамсия Бақоева. — Бутун умр китоблар, китобхонлар билан ишладим. Китобдан яхшироқ дўст тополмадим. Ҳаётимдаги ҳар қандай ҳолат ва вазиятларда менга китоб ёрдам берди, китоб тўғри йўл кўрсатди. Шунинг учун ҳам таллаган касбимдан миннатдорман. Ишончим комил, бу байрамдан кейин китоб мухлислари янада кўпаяди.

Тадбир режасидан ўрин олган "Китоб миллатнинг бебахо маданий ва маънавий мероси" семинари, китоблар тақдироти, ижодкорлар билан ижодий учрашувлар, ижтимоий сўровлар, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари билан учрашувлар ҳам байрамга ўзгача рух бағишлади.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий
вилоятидаги мухбири

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ

— Кўчмас мулкни бошқа шахсларга ўтказишда тартиб-қоидалар қандай?

Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА
Тошкент вилояти

Кўчмас мулк

Уни бошқа шахсга ўтказишда
нотариал ҳаракатлар

Мулкни бошқа шахсларга ўтказмоқчи бўлган фуқаролар тез-тез кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларга дуч келишади. Бунда нотариуслар "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида" йўриқнома асосида иш кўрадилар. Кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимлар ёзма равишда тарафлар томонидан имзоланган битта ҳужжат тузиш йўли билан амалга оширилади. Фуқаролик кодексининг 110-моддасига мувофиқ кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ қуйидаги битимлар нотариус томонидан тасдиқланиши шарт:

- уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимлар;
 - корхона сотиш шартномаси;
 - кўчмас мулкни ҳада қилиш шартномаси;
 - рента шартномаси;
 - умрбод таъминлаш шarti билан уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга бериш шартномаси;
 - қонуларда назарда тутилган бошқа битимлар.
- Кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битим матнида юқорида номи келтирилган Йўриқноманинг 45-бандига қўшимча тарзда яна қуйидагилар кўрсатилиши лозим:
- кўчмас мулк бошқа шахсга ўтказилганда, у жойлашган ер участкасининг фойдаланиш майдони;
 - шартнома бўйича сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган кўчмас мулкни аниқ белгилаш имконини берадиган маълумотлар, шу жумладан, кўчмас мулк тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлашганлигини белгилаш имконини берадиган маълумотлар;
 - бошқа шахсга ўтказилаётган кўчмас мулкнинг баҳоси.

Дипломатик ваколатхона ва ваколатхона бошлиғи қароргоҳини жойлаштириш учун кўчмас мулкни сотиб олиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 8 майдаги 207-қарори билан тасдиқланган Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисидаги низомга мувофиқ дипломатик ваколатхона кўчмас мулкни сотиб олиш нияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигини олдидан хабардор қилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этади.

Кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимни тасдиқлашда нотариус мазкур Йўриқноманинг "Уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни тасдиқлаш", "Хусусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлаш", "Айирбошлаш шартномасини тасдиқлаш", "Ҳада шартномасини тасдиқлаш", "Корхона сотиш шартномасини тасдиқлаш" бўбларида кўрсатилган қоидаларга амал қилади. Мисол учун, қуриб битказилмаган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битим маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқа шахсга ўтказишга рухсат бериш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлган ҳолда тасдиқланиши мумкин. Битимлар тасдиқлаб берилаётганда уларда иштирок этаётган фуқароларнинг муомала лаёқати белгиланган тартибда аниқланади ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилади. Битим вакил томонидан тузилган тақдирда унинг ваколати ҳам текширилади. Нотариус томонидан фуқароларнинг муомала лаёқати улар билан шахсий мулоқот довомида аниқланади.

Шахло КҲЧИМОВА,
Тошкент шаҳар Мирзо Улўбек тумани
1-Давлат нотариал идораси нотариуси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан, "BAXUMID BUXARA" хусусий корхонасининг (Бухоро ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003327 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 17 майдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 52-бандларига асосан:

"DARREN-NET" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004514 рақамли;

"VIGILANT SECURITY" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004549 рақамли;

"GOOD WAY TECHNOLOGIES" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004553 рақамли;

"RESTORE TRADE" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004555 рақамли;

"PRESTIJ INFO" хусусий корхонасининг (Бухоро ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004562 рақамли;

"SANOATALOQA" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004617 рақамли лицензиялар бекор қилинди.

"SANOATALOQA" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004623 рақамли лицензиянинг амал қилишини тугатиш ва мазкур лицензиянинг муддатига мос равишда маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига лицензия расмийлаштириб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ҳамда Навоий филиали жамоалари филиал директори Бахтиёр Хошимовга волидаи муҳтарамаси

ТОШБУВИ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Муфина мактабни тамомлагач, шаҳарга ўқишга борди, ammo бахтга қарши талаба бўлиш насиб этмади. У шаҳардан ўзига лойиқ иш топди. Уни аҳди паймон қилган йигитга узатдилар. Фарзандли бўлди. Таассуфки, икки ёшнинг турмуши тез кун топиб, ажрашиб кетди. Шундан сўнг ҳам Муфинани сўроқлаб келувчилар селдек ўғилди, ammo у тегмади. Шу орада отаси оламдан ётди. Кунлар ойларга, ойлар йилларга уланиб, уни сўроқлаб келувчиларнинг кети узилиб, ёши ҳам ўттизга бориб қолди.

Йиллар ўтиб, унинг феъл-атворида уйига кеч келиш, уйдагиларни ўз адовларига ишонтириш каби салбий ҳолатлар пайдо бўла бошлади. Эл овозига элак тутиб бўлмас, деганларидек, қишлоқда уни шивир-шивир қиладиганлар кўпайди. Гап-сўзлар акасининг қулоғига етди. Акаси Динмухаммад олий тонфали шифокор, қўли енгил жарроҳ бўлиб, табиатан оғир-босиқ, қалби тоза, ўта камсукум йигит эди. У синглисининг хаёти ҳақида ўйлаб кун-тунларни азобда ўтказарди. Одамларнинг деди-дедилари руҳан азоблар, синглисининг тақдирини ҳақида тинимсиз мулоҳаза юритарди. Ака синглисининг юриштириши тўғрисида унга насиҳат қилишдан чарчамас, ammo қаттиқ ҳам гапирмасди...

Куз ҳам этаклаб ёнғинчиликлар бошланди. Ёмғир зўрайгандан зўрайди. Қизилтошда яқин йиллар ичида бундай кучли ёмғир ёлмаганди. Синглисидан ҳамон дарак йўқ. У қайта-қайта телефон рақамини терди, жавоб йўқ... "Наҳот рост бўлса", — деди тишини тишига босиб. Ва ичидаги шубҳаларини босишга куч топа олмай чопонини елкасига ташлаб уйдан чиқди. Ўз гўмонлари ичра дала томон юра бошлади. Узокдан қора бино кўринди. Бинога яқинлашган, устунга суяб қўйилган велосипедни кўрди. "Кимдир бор"... У аста юриб бинони орқа томонига ўтиб, дераза тагига тиз чўкди. Ҳаммаёқ жим-жит. Ёмғир шаррос қуяр, сув тепадан шарқираб оқиб тушарди. У ичкарига қулоқ тутди. Эркакининг овози эшитилди: "Яширича никоҳ ўқитамиз. Туғасан. Олдирма, жоним". "Йўқ олдириб ташлайман. Шаҳарда танишим бор". Қандай кўриликки, синглисининг овози эди бу. Дахшатли воқеа Динмухам-

ОРИЯТ

Ҳикоя

мадни бир фурсат қарахт қилиб қўйди. Энди у ички титровини босишдан ожиз, бутун вужудини йиллар мобайнида кемирган шубҳалар беаёв бўйиб олгандек эди. У ўзини бошқара олмай, эшикни тепиб очди. Қаршида турган йигитни бир уриб йикитди. Сўнг жон-жаҳди билан бошига бир неча бор тепди. Йигит букилиб қолди. Олов ичида ёнаётган ака жаҳл билан синглисининг қўлидан тутиб силтади:

— Тириклайин гўрга тикдинг-ку, — дея ўқибди юборди. Хўрланган ака синглисининг қўлидан маҳкам тутиб олган, йиғисини босолмас, гапириб-гапириб, йиғлаб-йиғлаб қадам босарди: "Энди менга хаёт йўқ, синглим, мен ўлдим. Ўлдирдинг!" Сингил бир оғиз гап айтолмас, итдек етовда келарди. Уйга етгач, Динмухаммад остона хатлади-ю бехосдан синглисини бағрига босди. Лой қўллари билан унинг юзларини сийпалади:

— Нима қилиб қўйдинг онам, онажоним, синглим... — деди-ю гурс этиб ерга йиқилди. Онаси ва хотини уйдан отилиб чиқдилар. Она ўзини ўғлининг устига отди. Хотини азоб ичида ёнаётган эрини ювиб-таради. Онасининг қўлидан бир хўллам чой ичди. Унинг ранг-рўйи оқариб кетганди. Бирдан кўнгли айниб, оғзидан кўпик кела бошлади. Кўшнларнинг кўмагида шифохонага олиб бордилар. Шифокорларнинг туну кун қилган муолажалари билан Динмухаммад кўзини очди. У нурсизлашиб қолган кўзларини онасига қадаб: — Қийналиб кетдим, онажон, нима қилай, жигарим, деди. — Сизни ўйлайман она. У кўрган воқеани сира унутолмас, ич-ичидан ўзини азобларди. Унинг қорамтир юзидан кўз ёш томчилари сидирилиб туша бошлади. Она қўйлагининг устун енти билан ўғлининг юзини артиб қўяр, ўзи ҳам кўз ёшга беланиб, бўйиқ бир овозда гапирарди:

— Кўп гапирдим, ўғлим. Ичимдан узилиб тушганим, нима қилай? Сен ўзингни қўлга ол. Бир этак боланг бор.

Орадан ойлар ўтиб, Динмухаммад соғайди, Қизилтошга қайтди. Ammo остона хатлаб кўчага чикмади. Одамларга қўшилмай қўйди. Синглиси эса кўринмай қолди. Шаҳарга кетган, деди хотини. Бирор hafta ўтиб сингил қайтди. Ammo юзига қараб бўлмасди. Ошпок. Мадори йўқ. Бир оз ётиб қолди. Аканинг хаёлидан ўша тунда айтилган: "олдириб ташлайман, шаҳарда танишим бор" деган сўзлари ўтди. Юрагида игна санчилгандек оғрик пайдо бўлди. Дард кундан-кунга кучая бошлади. Она кўз ёшлар тўкиб, нола ичра Эгамга илтижо қилар, ўғлига соғлиқ тиларди. Ammo Қизилтошга савр кирганда Динмухаммаднинг жони узилди.

Онаизорнинг "вой болам" деган ноласи бутун Қизилтошни оёкка турғазди. Жанозага тумонан одам йиғилди. Имом жаноза ўқишдан олдин икки оғиз сўз айтди:

— Биродарлар! Иймон деган тушунча бор. Иймон не-не ота-момоларимиз бошидан кечирган азоб-уқубатларнинг меваси. Иймонга эришмоқ учун умр бўйи машаққат ичра яшамок керак. Оналаримиз, сингил-опаларимиз, хотин ва кизларимиз бизларга Эгамнинг бир омонати. Аллоҳ бизларни дунёдаги энг кутлуғ неъмат — ақл-хуш билан зийнатлаган. Аёл зотини эъзозланг, — деди.

Бу Динмухаммад ўлими тафсилотидан хабардор имомнинг ҳалиги йигитни нишонга олиб айтган гаплари эканини ҳамма бирдек англаб етди. Тобут ердан узилган ҳамон кўпчилик йигит томонга қаради. У бошини ердан кўтаролмай турарди. Динмухаммаднинг ўлиmidан ҳамма изтиробга тушди. Юрагида оғрик сезмаган биророрта инсон қолмади қишлоқда. Динмухаммад шунга муносиб эди. У ориятли эди. Илло, кизилтошликлар орсиликни кўтара олмайди. Қизилтош шундай бир қишлоқки, бу ердагилар ор билан тирик, ор билан яшайди. Марҳумнинг қирқи ўтар-ўтмас ҳалиги йигит қишлоқдан бош олиб кетди. Муфина ҳам бу ерда яшолмади — бирдан гойиб бўлди-ю қайтиб ҳеч кимнинг кўзига кўринмади...

Мухаммадбек АХМЕДОВ

1

2

3

Саломатлик сирлари

1. Курук юзлар учун сут ва асалли никоҳ.

Тайёрлаш: бир ошқошиқ асалга бир

ошқошиқ сут ёки қаймоқ аралаштирилади. Аралашма тайёр бўлгач юзга суртиб қуригунча турилади.

2. Оғир йўталда пиёздан тайёрланган компресс ёрдам беради.

Тайёрлаш: Докадан тикилган халтачага тўғралган пиёз солинади ва қайнаб турган сув бугига тегмайидан қилиб тутиб турилади. Кейин иссиқ ҳолича қалинроқ матога ўраб, оғирган жойга 15-20 дақиқа боғлаб қўйилади. Буни гайморитда ҳам қўллаш мумкин.



SO'RAGAN EKANSIZ?

НИКОҲ УЗУГИ ҚАЧОНДАН МАВЖУД?

— Туйда келин-куёвнинг бир-бирига никоҳ узуги тақиб қўйини ҳамма миллатда бор. Бу одат қачон ва қаерда пайдо бўлган? Шу ҳақида маълумот берсангиз.

Сайёра АХРОРОВА Қорақўл тумани

— 1215 йилда Рим папаси Иннокентий III ёш келин-куёвларни никоҳлар экан, жуфтларнинг узаро никоҳи мустақамлигини узук тақиб маросими ўтказиш билан белгилади. Яъни, куёв келинни никоҳига олар экан, келиннинг ота-онасига келажакда уларнинг қизларини ўз қарамоғига олишга, ғам-хўрлик қилишга, уни эъзозлашга, келин эса умрининг охиригача турмуш ўртоғига садоқатли бўлишга ваъда беришган. Бу узуклар оддий металлдан бўлиб, 1477 йилга қадар шу кўринишда давом этган. Шу йили Австрия герцоги Максими-

лиан Франция маликаси Марияга уйланаётганида никоҳ узукларининг янги кўринишда яшалишини жорий қилди. У рафиқасига "М" ҳарфи туширилган қимматбаҳо бриллиант тоши тилла узук совға қилди.

Узук нима учун номсиз бармоққа тақилиши ҳақида қуйидаги фикр мавжуд. Яъни, "севги" қон томири ҳисобланмиш вена айнан номсиз бармоқдан ўтиб, тўғри юракка борар эмиш. Рус халқининг одатига кўра, никоҳ узуги ўнг қўл бармоғига, Европа ва Америка давлатларида эса тўйларда никоҳ узуги

чап қўл бармоғига тақилган.

Ўрта асрларга келиб, унаштириш маросими урфа кирди. Удумга кўра, шу маросимда куёв келиннинг белгили эканлигини билдириш мақсадига чиройли узук тақиб қўйган. Бу одат ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, никоҳ узуклари эса замонга мос равишда тақомиллашиб, нафислашиб бормоқда. Қимматбаҳо бриллиант қўзли никоҳ узуклари бугунги кунда сўнги русумдаги узуклардир.

Саодат САИДХОНОВА, тарихчи

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚУМДУРИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чикади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Мавзид: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-552 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Адади: 15710 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андожонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоийда 225-91-10	Наманганда 232-97-86	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчда 226-37-16	Фарғонада 242-18-05	Қаршида 931-08-99
------------------------	-----------------------	------------------------	-----------------------	-----------------------	-------------------------	----------------------	--------------------------	-----------------------	------------------------	-----------------------	------------------------	----------------------